

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

ТУКФАТУЛЛИН ОСКАР ФАРИТОВИЧ

**ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА n - ВА p -ТИП ЎТКАЗУВЧАНЛИ
КРИСТАЛЛИ КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ САМАРАЛИ ҚУЁШ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ФОТОИССИҚЛИК АЙЛАНТИРГИЧЛАР
ИШЛАНМАСИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract
of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences**

Тукфатуллин Оскар Фаритович

Иссиқ иқлим шароитида *n*- ва *p*-тип ўтказувчанли кристалли кремний асосидаги самарали қуёш элементлари ва фотоиссиқлик айлантиргичлар ишланмаси 3

Тукфатуллин Оскар Фаритович

Разработка эффективных солнечных элементов и фототеплопреобразователей из кристаллического кремния *n*- и *p*-типа проводимости для условий жаркого климата 27

Тукфатуллин Оскар Фаритович

Development of efficient solar cells and photovoltaic/thermal systems made of crystalline silicon of *n*- and *p*-type conductivity for hot climate conditions 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.ФМ/Т.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

ТУКФАТУЛЛИН ОСКАР ФАРИТОВИЧ

**ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА n - ВА p -ТИП ЎТКАЗУВЧАНЛИ
КРИСТАЛЛИ КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ САМАРАЛИ ҚУЁШ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ФОТОИССИҚЛИК АЙЛАНТИРГИЧЛАР
ИШЛАНМАСИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/T1045 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.А. Азимов номидаги «Физика – Куёш» ИИБ Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz веб-саҳифаси манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Мухаммад Нишанович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абдукадыров Мухитдин Абдурашитович
техника фанлари доктори, профессор

Тачилин Станислав Анатольевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий тадқиқот-институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил « ___ » _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-ўй. Тел.: (+998) 71-248-79-94, факс: (+998) 71-248-79-92, e-mail: info@ispm.uz), ЎЗМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали.

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-ўй. Тел.: (+998) 71-248-79-94.

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » _____ да тарқатилди.

(2019 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Б. Утамурадова

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов

Фалсафа доктори илмий даражасини
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда гелиоэнергетика соҳасида асосий тенденциялардан бири яримўтказгичли фотоэлектрик технологиялар ютуқларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун қуёш энергиясининг тўғридан-тўғри яримўтказгичли элементларини электр энергиясига айлантириш доимий долзарб мавзулардан бўлиб қолмоқда. Бунда чекланмаган муддат давомида эксплуатация қилиш имконини берувчи ишончли ва универсал ўзгарткич қурилмаларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва ушбу фотоэлектрик модуллардан ҳар қандай масштабдаги энергетик тизимларни яратиш муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда дунёда яримўтказгичли қуёш элементларидан фойдаланишнинг бош муаммоларидан бири уларнинг параметрлари ва тавсифларини эксплуатация шарт-шароитларига боғлиқлиги ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ердаги қуёш нурланишига мувофиқ бўлган спектрдаги АМ1.5G тенг атмосфера массасидаги қуёш элементлари ва фотоэлектрик модулларнинг сертификациясини ўтказадилар. Ушбу ҳолат максимал қувватдан олинувчи фойданинг камайишига ва қуёш элементларининг максимал ФИК пасайишига ва бунинг оқибатида фотоэлектрик модулларнинг ҳам пасайишига олиб келади. Бунда нурланиш оқимининг интенсивлиги 1000 Вт/м^2 тенг, фотоэлектрик модульнинг ҳарорати эса $25 \text{ }^\circ\text{C}$ атрофидаги ҳаво ҳароратига тенг бўлиши лозим. Реал шароитларда (Ўзбекистоннинг иссиқ континентал иқлим шароитларида) ҳатто, салқин жойдаги ҳавонинг ҳарорати ($\geq 40 \text{ }^\circ\text{C}$) дан анча юқори, қуёш радиацияси оқими билан нурланувчи юзанинг ҳарорати, айниқса, ёз ойларида сертификация шартларига мос келувчи ҳароратдан ($> 70 \text{ }^\circ\text{C}$) ҳам ошади. Мазкур ҳолат максимал қувват олинишини камайтиради ва демак қуёш элементларининг максимал ФИК ва бунинг оқибати бўлмиш фотоэлектрик модулларни камайишига олиб келади.

Шунинг учун яримўтказгичли қуёш элементларини ва фотоэлектрик модуллари қувватини ва ўзгартириш ФИКни ошириш муаммоларининг ҳал этилиши талаб этилади. Юқори ҳаво ҳарорати ва қизишга олиб келувчи қуёш нурланиш спектр таркиби каби ўзига хос жиҳатларга эга бўлган Ер шарининг иссиқ минтақаларидаги қурғоқчил иқлим шароитларида самарали ишлаш лаёқатига эга янги конструкцияларни ишлаб чиқиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4512-сон¹ фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «2017–2021 йилларда муқобил энергияни янада ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар энергия самарадорлигини ошириш бўйича чоралар дастури тўғрисида»ги

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 01.03.2013 г. № УП-4512 «О мерах по дальнейшему развитию альтернативных источников энергии». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г. № 10 (562), Ст. 124. – СС. 90–93.

ПҚ-3012-сон¹ қарорида келтирилган муқобил энергияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Шунингдек, ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон² Фармонида ва 2017 йил 13 февралдаги «2017–2021 йилларда электро-техника саноатини бошқаришни тез суратлар билан ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2772-сон³ қарори, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар Академияси фаолиятини, илмий-изланишга оид ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон⁴ қарори ва фан ва технологиялар соҳасида қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «III. Энергетика, энергиятежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишига мос илмий дастурлар доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳароратни қуёш элементлари ва фотоэлектрик модуллар параметрлари ва тавсифларига таъсир кўрсатишга бўлган қизиқиш 1970 йилларда чиқарилган илмий нашрларда акс эттирилган. Жумладан, Д.Л. Эванс ва Л.В. Флоршютс (Аризона штати Университети, АҚШ) биринчи бор ҳароратни кўтарилиши билан кремнийли монокристалл элементлар ва модуллар қуввати ва ФИК чизиқли камайишини кўрсатиб бердилар. Ҳозирги вақтгача охириги икки ўн йилликда қиздиришни кремнийли моно- ва мультикристалли элементлар ва модулларига таъсирини назарий ва амалий нуқтаи назардан П. Вурфель (Амалий физика институти, Германия), Т. Маркварт (Саутгемптон Университети, Буюк Британия), И. Тобайас, К. дель Канизо (Мадрид политехника Университети, Испания) Х. Алонсо (ISOFOТON, Испания), Т.Т. Чау (Фан ва техника коллежи, Хитой) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Уларда элементлар ва модулларнинг ишчи ҳароратининг кўтарилиши, ўзгариш самарадорлигини чизиқли пасайтириши ва чиқиш қувватини камайтириши кўрсатиб берилди.

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 26.05.2017 г. № ПП-3012 «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017–2021 годы». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г. № 22 (782), ст. 424. – СС. 323–346.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 07.02.2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г. № 6 (766), ст. 70. – С. 223–248.

³ Постановление Президента № ПП-2772 от 13 февраля 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической промышленности на 2017–2021 гг.». Национальная база данных законодательства, 13.02.2017 г.

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан от 17.02.2017 г. № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г. № 8 (768), ст. 117. – СС. 289–300.

Ўзбекистонда яримўтказгичли кремнийли қуёш элементлари ва фотоэлектрик модулларнинг қизиши билан боғлиқ муаммоларни ечиш билан шуғулланувчи замонавий илмий мактабни асосчиси ва бошқарувчиси таниқли олим М.Н. Турсунов ҳисобланади. Мазкур йўналиш бўйича унинг шогирдларидан А.Г. Комилов ва И.А. Йўлдошев тадқиқотлар олиб борган. Фотоиссиқлик ўзгарткичлари ва улар асосидаги тизимлардаги иссиқлик жараёнларини назарий таҳлил қилинишига Р.Р. Авезов, Ш.И. Клычев, Ж.С. Ахатов каби олимларнинг бир қатор ишлари бағишланган. Хорижда ушбу йўналиш бўйича кўпсонли мутахассислар иш олиб борган. Булардан энг таниқлилари Т.Т. Чау (Гонконг), Ю. Трипаногоностопулос (Греция), А.С. Джоши (Канада), Х.А. Зондаг (Нидерландия) ва бошқалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика – Қуёш» ИИБ Физика-техника институтида А-12-007 «Қишлоқ аҳолиси учун кўчма фотоэлектрик таъминот манбаини ишлаб чиқиш ва яшаш» (2013–2015 йй.), МК-47/2012 халқаро ўзбек-корейс илмий-техник лойиҳаси ва «Чорвачилик ферма объектларини энергия билан таъминлаш учун фотоэлектрик, фотоиссиқлик ва биогаз қурилмалари асосида автоном кўп функцияли мажмуа яратиш ва уни ишга тушириш» (2013–2014 йй.) номли ИЗ-ФА-0-11738 инновацион лойиҳасининг «Иссиқ иқлимли шароитларда самарали ишловчи, кремнийли қуёш элементлари асосидаги фотоэлектрик қурилма ишлаб чиқиш» мавзусидаги А-12-007 давлат илмий-техник лойиҳаси доирасида ўтказилган илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иссиқ иқлимли шароитларда электр энергиясини генерацияланиши учун мўлжалланган кремнийли қуёш элементлари, фотоэлектрик модуллар ва суюқлик туридаги комбинирланган фотоиссиқлик ўзгарткичларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2–10 Ом·см солиштирма қаршилик ва саёз жойлашган $p-n$ -ўтишларга ($\leq 1\text{мкм}$) эга бўлган, юпқа базали ($\leq 200\text{мкм}$) кремнийли монокристалл қуёш элементларидан фотоэлектрик модуллар ишлаб чиқиш;

дастлабки материалнинг электрофизик хусусиятларига боғлиқ равишда салт кучланиш, қисқа туташув токи ва кремнийли монокристалл фотоэлектрик модулларининг вольтампер тавсифларини ҳароратга боғлиқлик ҳолатларини аниқлаш;

стандарт 36 элементли кремнийли моно- ва мультикристалл фотоэлектрик модуллардан фойдаланилишида кўрғошин-кислотали аккумулятор батареялари зарядларини қиздиришда паст даражада бўлиш сабабларини аниқлаш ва иссиқ иқлимли шароитларида ишлашга мўлжалланган фотоэлектрик тизимларни ишлаб чиқиш;

аккумулятор батареяларини зарядланиш ва зарядсизланиш хусусиятларини кремнийли моно- ва мультикристалл фотоэлектрик модулларга боғлиқлик ҳолатларини ҳисобга олувчи заряд контроллерини ишлаб чиқиш;

унинг иссиқлик ва механик параметрларини ва тавсифларини аниқлаш учун мўлжалланган текис фотоиссиқлик ўзгарткич иссиқлик моделини яратиш;

электр энергияси олиш учун текис конструкцияли суқ иссиқлик ташувчига эга, эркин циркуляцияланувчи ва фотоэлектрик модулдан паст потенциал иссиқлик энергиясини олувчи автоном фотоиссиқлик ўзгартгичли тизимларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида иссиқ иқлим шароитларида самарали ишловчи фотоэлектрик элементлар, модуллар ва тизимлар конструкциялари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети суюқликли совутишдан фойдаланувчи яримўтказгичли қуёш элементлари, фотоэлектрик модуллар ва комбинирланган фотоиссиқлик ўзгартгичлар яшаш усуллари, шунингдек уларнинг ҳароратга боғлиқ электрик, механик ва иссиқлик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш жараёнида технологик услублар (механик ишлов, кимёвий зарарсизлантириш, газ фазаси ичидан диффузияланиш, вакуумли чанглаш, скрайбирлаш, кавшарлаш, герметизациялаш) электрик ва иссиқлик параметрларини ўлчаш услублари (кучланишлар, тоқлар, қувват, ФИК, ҳароратлар) ва тавсифлар (ВАХ, электрик ва иссиқлик тавсифларини вақт ва ҳароратга боғлиқлиги) ва иссиқлик жараёнларини моделлаштиришнинг математик услублари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

2 ва 10 Ом·см солиштирма қаршилик ва саёз жойлашган $p-n$ -ўтишларга (≤ 1 мкм) эга бўлган юпқа, базали (≤ 200 мкм) қаттиқ жисмли диффузандлардан термодиффузия услубида олинган кремнийли монокристалл қуёш элементларидан фотоэлектрик модуллар ишлаб чиқилган;

илк бор монокристалл кремнийли қуёш элементларидан ясалган, аммо турли ўтказувчанлик ($\rho(n) = 2$ Ом·см) ва $\rho(p) = 10$ Ом·см) ва солиштирма қаршиликдаги, стандарт синов шароитларидаги ҳароратдан 2–3 марта юқори ҳароратларгача қуёш нурланиши билан бир хилда киздирилишида ($T_{\text{ФЭМ}} > [2 \div 3] \times T_{\text{СТС}}$) 2–3 салт юриш кучланиши ($\Delta U_{\text{ХХ}}/\Delta T$) ва қисқа туташув тоқи ($\Delta I_{\text{КЗ}}/\Delta T$) ҳарорат коэффицентлари ўртача 1,5 мартага фарқ қилиши исботланган;

($T_{\text{ФЭМ}} \geq T_{\text{СТС}}$) стандарт синов шароитларидаги ҳароратдан 2–3 марта юқори бўлган ($T_{\text{ФЭМ}}$) модуллар ҳароратларидаги 36 кремнийли моно- ва мульткристалл қуёш элементларидан иборат стандарт фотоэлектрик модулларнинг оптимал қувват нуктасидаги кучланишнинг камайиши муносабати билан буферли қўрғошин-кислотали аккумулятор батареялари заряди ($I_{\text{ФЭМ}} \sim (T_{\text{ФЭМ}})^{-1}$) модульнинг ҳароратига тескари мутаносиб тоқ орқали содир бўлиши аниқланган;

илк бор 40 кремнийли қуёш элементларидан иборат фотоэлектрик модуллар ва улар асосида киздириш натижасида юзага келувчи кучланиш етишмовчилигини компенсациялаш имконини берувчи тизимлар ишлаб чиқилган;

илк бор салт юриш кучланишини ютувчи юза ҳароратига боғлиқликлар фарқини аниқлаш имконини берувчи эркин циркуляцияланувчи суюқлик туридаги текис конструкцияли фотоиссиқлик ўзгартгичи ва фотоиссиқлик ўзгартгичдаги қуёш элементларининг ҳароратини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор иссиқлик ташувчининг контакти фотоэлектрик модулининг орқа юзасидан полиэтилен қават орқали содир бўлувчи эркин циркуляцияланувчи суёқ турдаги текис конструкцияли фотоиссиқлик ўзгартгичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Иссиқ иқлимли шароитларда ишлатиш учун мўлжалланган кремнийли монокристалл қуёш элементлари ва модулларини яшаш усули ишлаб чиқилган;

Стандарт синов шароитларига нисбатан юқори ҳароратларда ишлашга мўлжалланган кремнийли кристалл фотоэлектрик модулларга эга фотоэлектрик тизимларнинг турли конструкциялари такомиллаштирилган;

Иссиқ иқлим шароитларида ишлашга мўлжалланган, фотоэлектрик модуллардан олинувчи заряднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи қўрғошин-кислотали аккумулятор батареялари заряд контроллери яратилган;

Кристалл материалининг сони ва тури бўйича турли кремнийли фотоэлектрик модуллардан тузилган эркин циркуляцияланувчи суёқ иссиқлик ташувчили стационар ва олиб юрилувчи текис фотоиссиқлик ўзгартгич тизимлари конструкциялари яратилган;

Текис фотоиссиқлик ўзгартгичининг иссиқлик ва механик параметрларини ҳисоблашни амалга ошириш имконини берувчи дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуёш нурланишини фотоэлектрик ўзгартириш бўйича ҳозирги замон илмий тасаввурлар назариясидан ва улар асосидаги элементлар ҳамда тизимлардан, текис сув иситувчи қуёш коллекторларидаги иссиқлик жараёнлари тўғрисидаги тасаввурлардан, шунингдек уларнинг параметрлари ва тавсифларини экспериментал тадқиқ этиш стандарт услубларидан фойдаланилган ҳолда экспериментал тадқиқотларда ўлчов асбоблари, синов стендлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика – Қуёш» ИИБ ФТИ синовлар полигони ва синов-технологик базасидан фойдаланилди. Ҳисоблашларда шу каби ишларнинг ўтказилишида кенг фойдаланилувчи услублар ва ҳисоблаш воситаларидан фойдаланилган ҳолда фотоэлектрик модуллар ва тизимларни 5–6 йил мобайнида комбинирланган фотоиссиқлик ўзгартгичлар тизими 3 йил давомида синаш ишлари ўтказилиши билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар электр ва иссиқлик энергияларни суёқ иссиқлик ташувчили фотоиссиқлик ўзгартгичли тизимларда генерацияланиш жараёнларини ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш имконини беради. Фотоэлектрик элементлар ва модуллар яшашнинг технологик услублари, турли мақсадларга мўлжалланган фотоэлектрик тизимларнинг ишлаб чиқилган конструкциялари ва ишлаб чиқилган ускуналарни эксплуатацион синовларида тўпланган тажриба, иссиқ иқлимли шароитларда ишланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи ускуналар ва асбобларни ишлаб чиқарилишини (локализация) маҳаллийлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқ иқлим шароитида кремний асосидаги самарали қуёш элементлари ва фотоиссиқлик айлантргичлар ишланмасини яратиш асосида:

термодиффузия услубида олинган кремнийли монокристалл қуёш элементлари асосида ишлаб чиқилган фотоэлектрик қурилма модулига Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг саноат намунасига патенти олинган («Фотоэлектрик қурилма модули», SAP 00859-сон, 2010 й.). Ишлаб чиқилган фотоэлектрик қурилма модули фойдали иш коэффицентини ошириш имконини берган;

эркин циркуляцияланувчи суюқлик туридаги текис конструкцияли фотоиссиқлик ўзгартгичи ва фотоиссиқлик ўзгартгичдаги қуёш элементларининг ҳароратини аниқлаш усули асосида яратилган Қуёш коллектор-фото-иссиқлик-ўзгартрувчи комбинацияланган фотоэлектрик қурилмаси III Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида «Ёш олимлар ва талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси номинацияси» ғолиби бўлган (2010 й.). Ишлаб чиқилган фотоэлектрик қурилма энергияни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та ҳалқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация материаллари бўйича 25 та илмий ишлар, шу жумладан 11 та илмий мақола-лар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, шуларнинг 7 таси чет эл журналларида нашр этилди, 12 та маърузалар тезиси конференция материаллари тўпламида ва 2 та патент фойдали модель ва саноат намунаси сифатида чоп этилди.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш қисм, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Яримўтказгичли қуёш элементлари, фотоэлектрик модуллар ва фотоиссиқлик ўзгартгичлари**» деб номланган биринчи боб турли яримўтказгич материалларидан ясалган бир фазали қуёш элементларининг (ҚЭ) маълум бўлган турларига ва фотоэлектрик модуллар (ФЭМ) конструкцияси тўғрисидаги адабиётлар обзорида бағишланган. Моно-ва поликристалл ҚЭ конструкцияси ва материаллари билан боғлиқ асосий

йўқотилишлар таҳлили келтирилган, ҳароратни ҚЭ ва ФЭМ га кўрсатадиган таъсири ва уни пасайтириш усуллари кўриб чиқилган. Суюқлик туридаги фотоиссиқлик ўзгартгичлари (ФИЎ) ва фотоиссиқлик ўзгартгичли тизимларнинг (ФИЎТ) ишлаш принципи кўриб чиқилган. Адабиётларда берилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

«Кремнийли қуёш элементлари ва фотоиссиқлик ўзгартгичларини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи боб иссиқ иқлимли шароитларда самарали ишлаши учун кремнийли ҚЭ, ФЭМ ва ФИЎТ ишлаб чиқилишининг илмий ва технологик жиҳатларига бағишланган.

Босқичлар тарзида дастлабки асосларни саралаш босқичидан бошлаб, элементларни ФЭМ ҳолида бирлаштириш онигача бўлган ҚЭ ясаиш технологияси кўриб чиқилган. Бу технология 76 мм ўтказувчанлик диаметрига эга, *n*- ва *p*-турдаги кремний монокристалл пластинкаларидан ҚЭ ясашга мўлжалланган.

Заводда ишланган 300 мкм ±10% қалинликдаги монокристалл кремний пластинкаларини қўлланиши билан боғлиқ анъанавий технологиядан фарқли равишда, таклиф этилаётган технологик схема, яримўтказгичли асбоблар ва микросхемалар ясаишида бракланишдан ўтмаган пластинкалардан фойдаланиш имконини беради, бу эса цикл бошида саралаш босқичи киритилишини талаб этади.


Иккинчи босқич дастлабки материалнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда модификацияланган ва аввал олинган эпитаксиал ва диффузион қатламларни йўқотиш учун зарур бўлган, пластинкаларни узоқ вақт жилвирланишини ўз ичига олади. Кремнийли пластинкаларнинг юқори мўртликда бўлиши, 200 мкм ±10% қиймат билан чекланган максимал эришилувчи қалинликни чегаралайди, бу қизишга олиб келувчи, кремний пластинкаси томонидан қуёш нурунинг инфрақизил соҳасининг бир қисмини ўтказилишини ошириш учун айнан берилган қалинлик талаб қилинишидаги шартга мос келади. Қалинликни бундан кейинги камайиши структурани тайёрланиш жараёнида бракни кўпайишига олиб келади.

Диффузион жараёнлар очик қувурли СДО-125/3-15,0 электр печида ўтказилди. Бор нитриди пластинкалари азот кислотасида тозаланиб, 600 °С ҳароратда қуритилгандан кейин кварц қайиқча воситасида реакторга киритилди. Реакторни бор билан тўйинтириш 1100 °С ҳароратда 60 мин давомида амалга оширилди. Диффузия жараёни 1050 °С ҳароратда ўтказилди. Бор нитрид ва кремний (КЭФ-10) пластинкалари ўртасидаги масофа 2–2,5 мм (эмпирик равишда танланди) атрофида сақлаб турилди. *p–n*-ўтишнинг ётиш чуқурлиги режимга боғлиқ равишда 0,4–1 мкм. Бор диффузия жараёнини ўтказилишида, инерт муҳит сифатида азот ёки куруқ ҳаводан фойдаланилди. Бундан кейинги операцияларни ўтказиш учун *p–n*-ўтиш пластинкаларнинг орқа томонидан М7 микрокукунлар билан жилвирлаш орқали йўқотилди, боросиликат шиша эса фронталь юзадан плавик кислота орқали йўқотилди.

Фосфорнинг диффузияси 1030–1050 °С ҳароратларда 20–40 минут давомида ўтказилди. Бунда p - n -ўтишнинг ётиш чуқурлиги 0,4 дан 0,7 мкм гача миқдорни ташкил қилди (КДБ-2) пластинкасининг орқа томонидан p - n -ўтишни йўқотилиши ва фронталь юзани фосфорсиликат шиша қолдиқларидан тозалаш бор диффузиясидаги каби амалга оширилди. Изотип p - p^+ -ўтиш пластинкаларнинг орқа томонидан алюминийни юмшатиш услуби орқали амалга оширилди. Фосфор диффузияси билан саёз ётувчи p - n -шаклланишидан кейин, қарши p - n -ўтиш структуранинг орқа томонидан йўқотилди. Сўнг кремний монооксиддан ҳимоя қопламани қўллаш орқали алюминийни юмшатилиши билан пластинкаларнинг орқа томонида p - p^+ -ўтиш шакллантирилди. ҚЭ юзасида кичик омли ом контактини ҳосил қилиш учун, контакт тўрини таглик билан яхши адгезияланишига эришилиш имконини берувчи, Ti – Ni – Cu дан ташкил топган кўпқатламли тизимдан фойдаланилди. Фронтал юзада ёритилувчи қопламни яратиш учун, ион чанглаш бўйича экспериментларда экспериментал тарзда фундаментал хусусиятлари ўрганилган (SiO_x ($x = 1\div 2$)) кремний оксидларидан фойдаланилди. Si_nO_m^- ($n = 1\div 7$, $m = 1\div 15$) ва Si_nO_m^+ ($n = 1\div 3$, $m = 1\div 4$) кластер ионларининг барқарорлиги ва структура схемалари ўрганилди. Энг барқарор кластер ионлари (SiO_2) кремний диоксида мономер ва заряд ташувчи (O) кислороддан ташкил топган комплекс ионлар эканлиги аниқланди. Мазкур ҳолат SiO_2 қатламларининг юқори кимёвий турғунлигини белгилайди.

ФЭМ ва ФИЎ яшаш жараёнлари баён этилди. Хусусан, ФЭМ даги ҚЭ намликбардош герметизациясига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада n -турдаги ҚЭ дан $\rho = 2 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ ҳамда p -турдаги $\rho = 10 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ ўтказувчанликдаги 36 элементдан ташкил топган ФЭМ олинди (1-расм).

Иссиқлик аккумулятори ва ФИЎТ таянч-йўналиш механизмининг ишлаб чиқариш технологияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён этилди. Иссиқлик аккумулятори ва таянч йўналиш олувчи ФИЎТ механизмининг ишлаб чиқарилиш технологияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён




а) б)
1-расм. 36 кремний монокристалл ҚЭ дан иборат ФЭМ:
а) фотография; б) электр уланишлар схемаси.

қилинган. Аккумуляцияловчи тизим конструкциясини оддийлиги, энергияни ўзгаришига бўлган йўқотилишлар мавжуд бўлувчи, иссиқлик алмаштиргични истисно этади, иссиқлик аккумуляцияловчи модда сифатида эса бир вақтнинг ўзида иссиқлик ташувчи бўлган сувдан фойдаланилади.

«Иссиқ иқлимли шароитларда ишловчи қуёш элементлари, фотоэлектрик модулларни ва тизимларни синаш» деб номланган учинчи боб иссиқ иқлим шароитларига мўлжаллаб ясалган кремнийли ҚЭ ва ФЭМ асосий электрик параметрларини синаш ва таҳлил қилишга бағишланган. Монокристалл кремний пластинкаларининг икки туридан фойдаланилди. Иккала турларнинг дастлабки тагликлари 76 мм диаметрга эга. Биринчи тури интеграл схемаларни ишлаб чиқарилиш жараёнида бракка чиқарилди ва фосфор билан легирланган n -тур ўтказувчанликдаги эпитаксиал қатламнинг 3,3–20 мкм қалинлигига эга бўлди, бунда эпитаксиал қатламнинг солиштира қаршилиги 0,8–7,5 Ом·см чегарасида ўзгартирилди. Бор билан легирланган (КДБ-10) p -турдаги ўтказувчанлик тагликлари (111) текисликдаги кристаллографик ўқлар йўналиши билан 300–380 мкм қалинлик ва $\rho = 10$ Ом·см солиштира қаршиликка эга бўлди. Эпитаксиал қатламни йўқотилишидан кейин фосфорни ~1 мкм чуқурликда диффузиялаш орқали p - n -ўтиш тайёрланди. Тагликларни иккинчи тури бўлиб фосфор билан легирланган n -тур ўтказувчанликдаги ва кристаллографик ўқларнинг (100) йўналиш олиши билан, $\rho = 2$ Ом·см (КЭФ-2) солиштира қаршиликка эга бўлган кремний пластинкалари бўлди. Иккинчи тур пластинкалари 350 мкм қалинликка эга эди. p - n -ўтиш борни 0,4÷0,5 мкм чуқурликда диффузиялаш услуби орқали тайёрланди.

Олинган ҚЭ дан 36 кетма-кет тарзда уланган элементлардан ташкил топган икки кўринишдаги ФЭМ (p - ва n - тур ўтказувчанликдаги) тайёрлаш учун фойдаланилди. $G = 800$ Вт/м² қуёш нурланиш оқимида ФЭМ p -тур элементлари 500 мА яқин қисқа туташув токини ва 19,7 В ($T = 20$ °С) салт кучланишни генерациялайди, ФЭМ n -тур элементларида эса 600 мА гача катталиқдаги қисқа туташув токи ва 20,6 В ($T = 20$ °С) салт кучланиши ишлаб чиқилади. ФЭМ майдонлари тенг ўлчамга (0,15 м²) эга бўлади.

ФЭМ икки турдаги чиқиш параметрларининг ҳароратга боғлиқликлари 2-расмда келтирилган. Келтирилган ҳароратлар оралиғида салт юриш кучланиши U_{XX} чизиқли камаяди, қисқа туташув токи I_{K3} эса кучсиз равишда ортади. Ушбу боғлиқликнинг хусусиятлари назарий натижалар билан сифат жиҳатдан мувофиқлашади. $\rho = 2$ Ом·см солиштира қаршиликка эга n -тур монокристалл кремнийдан бўлган ФЭМ салт юриш кучланиши ва қисқа туташув токининг ҳарорат коэффициентлари мос равишда $\Delta U_{XX}/\Delta T = 57,14$ мВ/°С ва $\Delta I_{K3}/\Delta T = 0,54$ мА/°С катталikka эга, $\rho = 10$ Ом·см солиштира қаршилиқдаги p -тур монокристалл кремнийдан бўлган ФЭМ эса мос равишда $\Delta U_{XX}/\Delta T = 91,53$ мВ/°С ва $\Delta I_{K3}/\Delta T = 0,81$ мА/°С. n -тур монокристалл кремнийдан бўлган ФЭМ даги ҚЭ нинг кучланиш ҳарорат коэффициенти маълумотлардагига нисбатан 1,5–1,6 марта кичик миқдорга ва p -тур кремнийдан бўлган ҚЭ нинг ҳарорат коэффициентига нисбатан 1,6 мар-



2-расм. $\rho = 2 \text{ Ом}\cdot\text{см}$, $n\text{-Si}$ дан ФЭМ нинг U_{XX} I_{K3} хароратга боғлиқликлари (1 ва 2 эгрилар) ва $p\text{-Si}$ $\rho = 10 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ ($1'$ ва $2'$).
1, $1'$ – U_{XX} ; 2, $2'$ – I_{K3} .


та кичик микдорга эга. Охирги ҳолат яримўтказгич ишлаб чиқариш-нинг n -тур даги пластинкалардан ясалган ҚЭ салт юриш кучланиши бўйича кам ҳарорат сезгирлигига эга деб хулоса қилиш имконини беради.

Ҳароратни кўтарилишида ФЭМ U_{XX} камайиши асосан ҚЭ хусусий заряд ташувчилари концентрациясини ортиши туфайли юзага келади. Ҳароратни кўтарилиши билан тўйиниш токи экспоненциал равишда ортиб боради, бу ҳароратни кўтарилишида U_{XX} ни деярли чизиқли пасайишига, I_{K3} ўзгариши эса сезиларсиз — $\Delta I_{K3}/\Delta T < 1 \text{ mA}/^\circ\text{C}$ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ФЭМ $\Delta U_{XX}/\Delta T$ кучланиш ва $\Delta I_{K3}/\Delta T$ ток ҳарорат коэффицентлари ҚЭ материалнинг солиштирма қаршилиги билан корреляцияланади. Шунинг учун иссиқ шароитларда кремнийнинг $2 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ дан камроқ дастлабки солиштирма қаршилигига эга бўлган ҚЭ дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.


$\rho = 10 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ $p\text{-Si}$ ва $\rho = 2 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ $n\text{-Si}$ дан ФЭМ турли ҳароратларида олинган ВАХ оиласи 3-расмда келтирилган. Ўлчовлар $\sim 500 \text{ Вт}/\text{м}^2$ интенсивликдаги нурланиш оқими интенсивлигида ФЭМ табиий қуёш ёруғлигида ўтказилди. Тушаётган нурланишнинг қувват катталигининг паст қийматда бўлиши Тошкент шаҳрида июль-август ойларининг иккинчи ярмида кундузги вақтда атмосферани саноат ва транспорт чиқиндилари билан ифлосланиши билан боғлиқ маҳаллий шаффофлигини ўзгариши билан боғлиқдир.

Фотоэлектрик модулар қизишини аккумулятор батареяларнинг зарядланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши кўриб чиқилди. Чиқиш қувватини камайиши лаборатория шароитларида $T_0 = 25 \text{ }^\circ\text{C}$ (STC) ўлчанган, $T_A > T_0$ бўлишида, қайсики $T_A = 30 \div 50 \text{ }^\circ\text{C}$ ҚЭ ҳароратиэса ($T_{CЭ}$) $90 \text{ }^\circ\text{C}$ етиши мумкин бўлган реал эксплуатация қилиниш шароитларида ўлчаниб намоён этилган ФЭМ қувватига мувофиқ эмаслигига олиб келади. ФЭМ қувватини камайишининг асосий сабаби бўлиб ҚЭ салт юриш кучланишини камайиши ҳисобланади. Бунинг натижасида аккумуляцияланган электр энергиядан фойдаланувчи ФЭТ да аккумулятор батарея (АБ) зарядининг токи жиддий камаяди. Манашу охирги ҳолат баъзи ҳолларда ўзгартирилиш самарадорлигини стандарт синов шароитларидагига (STC) нисбатан 50% гача пасайишига олиб келади.



3-расм. Тўғридан-тўғри қуёш радиацияси таъсири остида кремнийдан ФЭМ ҳароратини кўтарилиши билан ВАХ ўзгариши: а) *p*-тур; б) *n*-тур.

Кўргазма сифатида ҳарорат кўтарилиши билан боғлиқ ФЭМ даги ВАХ ўзгариши кўриб чиқилди. У томонидан берилувчи қувват максимал қийматга етувчи, ФЭМ мувофиқлашган иш режимига мос келувчи ВАХ 4-расмда келтирилган (STC). Реал шароитларда, хатто атрофдаги ҳарорат STC ($T_A < T_0$) бўлишида сертификатланишда ҚЭ ҳарорати элементлар ҳароратидан юқори бўлади. 4-расмда ҚЭ турли ($T_1 > T_2 > T_3$) ҳароратларда ва атрофдаги ҳароратларда олинган ВАХ лар келтирилган (1,2 ва 3 эгрилар). $I_{m,1}$ ва $U_{m,1}$ катталиклар ($P_{m,1} = I_{m,1}U_{m,1}$), $T_1 = 35^\circ\text{C}$ ҳароратда ФЭМ максимал чиқиш қувватига эришилишидаги ток ва кучланиш қийматларидир.



4-расм. Турли ҳароратларда ФЭМ вольтампер тавсифлари:
 1 – $T_1 = 35^\circ\text{C}$ ($T_A = 15^\circ\text{C}$);
 2 – $T_2 = 54^\circ\text{C}$ ($T_A = 30^\circ\text{C}$);
 3 – $T_3 = 71^\circ\text{C}$ ($T_A = 45^\circ\text{C}$).

ФЭТда 12 В номинал кучланиш билан қўлланиши учун мўлжалланган ФЭМ ҳолатида, ҚЭ сони 36 тенг бўлади. (P_m) максимал қувват нуқтасига мувофиқ келувчи ФЭМ кучланишнинг қиймати, STC бўлишида $U_m = 18\text{ В}$ ($\pm 1\%$) катталиқка эга. ҚЭ 10°C исишида ушбу кучланишнинг катталиги 0,7–0,9 В га камаяди. Бироқ ом юкланишидан фарқланган ҳолда, юкланишдаги кучланишнинг ўзгариши занжирдан оқиб ўтувчи токка боғлиқ бўлишида, потенциаллар фарқи ўлчанишидаги АБ ҳолатида, ток амалда ўзгармас бўлиб қолади. Шунинг учун автоном ФЭТларнинг ФЭМ чиқиш тавсифларини электр энергиясининг аккумуляцияланиш тизим остининг

эксплуатацион тавсифлари билан, айнан, АБ га меъерий-техник ҳужжатлар орқали ўрнатиловчи номинал (стандарт) кучланиш ва заряд токи билан бирга уйғунлаштирилиши лозим. АГМ технологияси бўйича ишлаб чиқилган кўрғошин-кислотали АБ қўлланишида ва уларни циклик режимда ёки тенглашувчи заряд режимида эксплуатация қилинишида, заряднинг тўлиқ цикли тугалланиши учун кучланишни 14,1–14,4 В атрофида сақлаб турилиши талаб этилади. 4-расмда ушбу диапазоннинг юқориги чегарасига АБ-ни тўлиқ зарядланиши учун (U_0) кучланиш мувофиқ келади. Бунда ФЭМ томонидан генерацияланувчи ток ($I_{0,1}$), АБ чуқур зарядланиш ҳолатида, тўлиқ зарядга сарфланади ва заряд жараёнида АБга берилувчи ФЭМ қуввати $P_{0,1} = I_{0,1}U_{0,1}$ тенг бўлади (4-расм). 4-расмдан кўринганидек ҚЭ ҳароратини кўтарилиши билан ($T_1 = 35\text{ }^\circ\text{C}$) заряд токининг катталиги ошиши мумкин ($I_{0,1} > I_{m,1}$). ҚЭ ҳароратини бундан кейинги ортиши ($T_2 = 54\text{ }^\circ\text{C}$) ўзгармас U_0 кучланишида (4, 2-расм) заряд токини камайишига ($I_{0,2} < I_{0,1}$) олиб келади. ҚЭ ҳарорати хали юқори бўлган ҳолларда ($T_3 = 71\text{ }^\circ\text{C}$), U_0 номинал қийматга $I_{0,3} < I_{0,2} < I_{0,1}$ ток мувофиқ келади. Бундан, АБ заряди кучланишининг ўзгармас қиймати бўлиш ҳолатида заряднинг (U_0 токи ФЭМ да жойлашган ҚЭ ҳароратига боғлиқ бўлади. Бунда STC ($T_0 = 25\text{ }^\circ\text{C}$) бўлишидаги ҳароратга нисбатан ҚЭ ни 40–60 °C га ўта қизиши, секин зарядга ёки АБ тўлиқ зарядининг мавжуд бўлмаслигига ва оқибатда уни тез ишдан чиқишига олиб келади.

Июль–августда 1–3 м/с шамол тезлигида ўтказилган ўлчовлар, ҳароратлар фарқи, стандарт синов шароитларидаги қийматларга нисбатан атроф муҳитнинг 47–48 °C ҳароратларида 52 °C гача етишини кўрсатади ва бу $U_{\text{ХХ}}$ ўртача 20,3 В дан 16,4 В гача камайишига олиб келади.


Шундай қилиб, Ўзбекистондаги йилнинг ёз даврлари учун хос бўлган юқори ҳароратларда (айниқса, шамолнинг тезлиги 5 м/с.дан кам бўлган ҳолларда) 36 ҚЭ дан тайёрланган ФЭМ, ҳароратнинг кўтарилиши билан бир неча мартага камаювчи АБ заряднинг зарурий токини таъминлай олмайди.

Кўча ёриткичлар тизими ва иссиқ иқлим шароитларида ишлаши учун мўлжалланган сейсмологик станциялар ускуналарини электр билан таъминлаш учун ишлаб чиқилган фотоэлектрик тизимлар конструкциялари баён этилган. Ишлаб чиқилган кўча ёриткичлари ФЭМда асосий бўлиб ҳисобланувчи ҚЭнинг 36 кремнийли монокристалларидан бўлган ФЭМдан фойдаланилди.

Наманган шаҳри шароитларида ўта қизиш салбий таъсирлари билан боғлиқ ФЭТ салт юриш кучланиши бўйича йўқотилишларни компенсациялаш учун, асосий модульга қўшимча равишда, 4 та кетма-кет уланган ҚЭ дан ташкил топган ФЭМ уланди. Қўшимча равишда қўшилган ФЭМда асосий модульда фойдаланилувчи ҚЭ конструкциялари ва электрик параметрлари бўйича ҚЭ га айнан ўхшашдир. Қўшимча ФЭМ асосийсининг устида жойлашган. Иккала ФЭМ ҳам уларни монтаж қилинишида горизонтал ва вертикал текисликда буришга имкон берувчи пўлат конструкцияга маҳкамланган. Бундай конструкция ФЭТни Қуёшнинг жойлашиш ҳолатига нисбатан оптимал йўналтирилишини таъминлайди. ФЭМ жойнинг

кенглигига тенг бўлган горизонт чизигига нисбатан қия бурчак остида жойлаштирилган (Наманган шаҳри шароитлари учун — 40° – 41°). ФЭМ фронталь юзасини қушларнинг чиқиндисидан ҳимоя қилиш учун тишли зихга эга пластинкалардан фойдаланилди. ФЭМ йўналтириш учун хизмат қилувчи пўлат конструкция электр энергиясини аккумуляцияланиш тизимостини ва ёритиш тизимостини тутиб турувчи конструкциянинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. ФЭТ тутиб турувчи конструкцияси баландлиги 9 м бўлган темирбетондан бўлган ёритувчи устунга маҳкамланган.

Иссиқ иқлим шароитларида уларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида асосий вазифа бўлиб ҳисобланган ФЭМ конструкцияларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар, янги автоном ФЭТ яратиш имконини берди, шунинг учун ФИК — 14,4% бўлган поликристал кремний асосидаги ҚЭ дан ташкил топган асосий компоненти ФЭМ (5-расм) бўлган 280 Вт генерациялаш қувватига эга ФЭТ ясалди. Фойдаланилувчи ҚЭ Корея Республикасида ишлаб чиқарилган. Унинг ўлчамлари ва қалинлиги мос равишда $156 \times 156 \times 0,2$ мм ташкил этади.



5-расм. Таянч-бурилиш қурилмасининг фотоэлектрик модули:
а) олдиндан кўриниш; б) ўнгдан кўриниш.

Элементларнинг юзаси текстураланган фронтал қатламга қопланган ёритилувчи қаватга эга. ФЭТ электр энергиясини генерацияловчи тизимости таянч-бурилувчи қурилма устида ўрнатилган икки ФЭМдан ташкил топган.

Ҳар қайси ФЭМ кетма-кет тарзда уланган 40 ҚЭдан ташкил топган. Электр энергиясини аккумуляциялаш тизимостиси 200 А·с АБ номинал сиғимдан, АБ заряд–разряд контролердан ташкил топган. Электр энергияси истеъмолчиси бўлиб, сейсмологик станциянинг ўлчов ускунаси юкланган кучланиш инвертори ҳисобланади.


ФЭМ дан зарядланувчи кўрғошин-кислотали аккумулятор батареялари заряд контроллерининг конструкцияси ва ишлаш принципи кўриб чиқилди. Ишлаб чиқилган АБ заряд контроллери параллел кучланиш стабилизаторининг ишлаш принципига ўхшаш тарзда ишлайди, мувозанатловчи қаршилик ролини эса ФЭМ ички қаршилиги бажаради. Агар АБ томонидан зарядланувчи (НРЦ) очик занжирнинг кучланиши унинг тўлиқ зарядига мос келувчи катталиқдан камроқ бўлса, бошқарув схемаси Т

транзисторни ёпиқ ҳолатга келтиради. Ушбу ҳолатда ФЭМ генерацияланувчи токдан АБни зарядланиши учун фойдаланилади.

АБ заряд ва НРЦ катталигини 100% зарядланишига мувофиқ келувчи қийматга етишида, бошқарув схемаси Т транзисторни очади ва ФЭМ токи аккумуляторнинг кучланишини ортишини ва уни қайта зарядланишини олдини олган ҳолда транзистор орқали тармоқланади. Модомики АБ тўлиқ зарядланганлик ҳолати бир онда юзага келмас экан, Т транзистор ҳам очик ҳолатга бир зумда эмас, балки унинг ўз-ўзидан зарядланишини компенсацияловчи АБни қўшимча тарзда таъминловчи токка мос келувчи катталиқкача заряд токини камайтириш билан секин-аста ўтади. Схеманинг бундай тузилишининг афзаллиги бўлиб, ФЭМдан АБ заряд токининг асосий занжирида ФЭМ энергиясини йўқотилишини юзага келтирувчи бошқарув элементлари мавжуд эмас. Фақат Д химоя диодидагина энергия йўқотилишлари мавжуд.

Фотоэлектрик модуллардан зарядланувчи кўрғошин-кислотали аккумулятор батареялари заряд контроллерининг конструкцияси ва ишлаш принципи кўриб чиқилди. Қуёш ФЭТ лойиҳалаштириш муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. ҚЭ томонидан кун давомида ишлаб чиқарилувчи электр энергиясини аккумуляциялашдан иборат, чунки, кўпчилик ҳолатларда электр асбоблари ва ускуналари қуёш нурланишисиз ҳам ишлаши керак бўлади. Бироқ, ФЭМни АБга бевосита уланишида тизимни ФИК пасайиб кетишига ва ҳатто АБ ишдан чиқишига олиб келувчи салбий ҳолатлар кузатилади. Масалан, ФЭМ орқали амалга ошувчи АБ разряд сутканинг қоронғу вақтларида ҚЭнинг $p-n$ -ўтишларининг ички қаршилиги билан шартланади, улардан энг жиддийлари базанинг кетма-кетликдаги қаршилиқларидан, металл-яримўтказгич ва диффузион қаватнинг узун қаршилигидан ташкил топган кетма-кет қаршилиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган АБ заряд котроллери (6-расм) параллел кучланиш стабилизаторининг ишлаш принципига ўхшаш тарзда ишлайди, мувозанат-




6-расм. КЗ АБ функционал схемаси.

ловчи қаршилиқ ролини эса ФЭМ ички қаршилиги бажаради. Агар АБ томонидан зарядланувчи (НРЦ) очик занжирнинг кучланиши унинг тўлиқ зарядига мос келувчи катталиқдан камроқ бўлса, бошқарув схемаси Т транзисторни ёпиқ ҳолатга келтиради. Ушбу ҳолатда ФЭМ генерацияланувчи токдан АБни зарядланиши учун фойдаланилади. АБ заряд ва НРЦ катталигини 100% зарядланишига мувофиқ келувчи қийматга етишида,

бошқарув схемаси Т транзисторни очади ва ФЭМ токи аккумуляторнинг кучланишини ортишини ва уни қайта зарядланишини олдини олган ҳолда транзистор орқали тармоқланади. Модомики АБ тўлиқ зарядланганлик ҳолати бир онда юзага келмас экан, Т транзистор ҳам очик ҳолатга бирзумда эмас балки унинг ўз-ўзидан зарядланишини компенсацияловчи АБни кўшимча тарзда таъминловчи токка мос келувчи катталиккача заряд токини камайтириш билан секин-аста ўтади. Схеманинг бундай тузилишининг афзаллиги ФЭМдан АБ заряд токининг асосий занжирида ФЭМ энергиясини йўқотилишини юзага келтирувчи бошқарув элементлари мавжуд эмас. Фақат Д химоя диодидагина энергия йўқотилишлари мавжуд. Баён этилган йўқотилишлар энергияси контроллерда иссиқликка айланади ва ташқи ҳавонинг табиий конвекцияси туфайли совутилувчи корпуснинг пастки девори орқали чиқарилади. Схема шунингдек ФЭМ АБдагига қараганда кўпроқ бўлган салт юриш кучланишида АБ мавжуд бўлмаслигида истъмолчига узатилувчи берилган чиқиш кучланишининг максимал қийматини сақланишини таъминлайди.

«Суюқлик туридаги текис фотоиссиқлик ўзгартгичли тизимлар» деб номланган тўртинчи боб ишлаб чиқилган конструкцияларга ва текис ФИЎ ва ФТЎТ ишлаш принципларининг таърифига бағишланган. ФТЎТ иккиланган функцияни бажарувчи, хусусан, қуёш энергиясини ютиб, унинг бир қисмини электр энергиясига айлантиради, энергиянинг қолган қисмини эса иссиқлик кўринишида иссиқлик ташувчига узатади (7-расм). Агар ФЭМ текис ҚК элементи каби қаралса, у ҳолда ҚЭ герметизацияловчи компаунднинг орқа қавати қора рангга бўялган химоя пленкаси ҚК нинг ютувчи юзаси бўлиб ҳисобланади. ҚЭ ютилиш спектрининг асосий қисмига нисбатан шаффоф қопламлар (химоя ойнаси ва герметизацияловчи компаунднинг фронтал қавати) ютувчи юзанинг устидан жойлашган.




7-расм. Фотоиссиқлик ўзгартгич элементларининг жойлашиш схемаси:
1 – химоя ойнаси; 2 – герметизацияловчи компаунд; 3 – қуёш элементлари;
4 – химоя пленкаси; 5 – иссиқлик ютувчи қават; 6 – корпус;
7 – иссиқлик изоляцияси; 8 – иссиқлик олибкетувчи канал; 9 – полимер қобик;
10 – кириш штуцери; 11 – чиқиш канали; 12 – қувурўтказгич.

Улар ФИЎ коллектор қисмидан атмосферага конвектив ва радиацион йўқотилишларни камайтиради. Иссиқликни иссиқлик ташувчига узатилиши иссиқлик олиб кетувчи каналда содир бўлади. Шундай қилиб, ФЭМдан бир вақтнинг ўзида электр энергияси генератори ва ҚК абсорбери сифатида фойдаланилади. Бундай конструкцияда ҚК иссиқлик ташувчи иссиқлик узатилиш жараёнлари воситасида ФЭМ орқа томонини совуши ҳисобига исийди. ФИЎ маълум қиялик бурчагида иссиқлик ташувчининг илиқ қаватларини совуқ қаватларига нисбатан ҳаракатланиши содир бўлади.

Мазкур ФИЎ фотоиссиқлик ўзгартгичидаги иссиқлик жараёнлари кўриб чиқилди ва энергоқурилманинг коллектор қисми параметрларини ҳисоблаш услубиятининг таърифи келтирилди. Кўриб чиқилаётган ФИЎ кечувчи иссиқлик жараёнлари текис ҚКда кечувчи жараёнларга айнан ўхшаш, шунинг учун ФИЎ қаватларидаги иссиқлик йўқотилишлари ва ҳароратларни аниқлаш учун иссиқлик жараёнлар ягона иссиқлик занжирида кўрсатилувчи услубдан фойдаланилади. Таъриф этилган услубият герметиканинг фронтал қавати ҳароратини T_{2H} ва химоя ойнаси T_G ҳароратини ҳаво ҳароратининг T_A турли қийматларидаги ФИЎ ютувчи юзасининг ўртача ҳароратига боғлиқ равишда белгилаш имкониятини беради (8-расм).

